

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ВА ҚОНУН


ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGINING HUKUKIY GAZETASI

● 2009 йил 6 январь ● сешанба ● № 1 (618) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ислом КАРИМОВ:

Айни вақтда, қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини — бу уй-жой қурилиши бўладими, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти бўладими, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласи бўладими — буларнинг барчасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркор.



Юртда байрам

Янги йил яхши байрам. У ўз номи билан инсонларга янгиликлар улашади. Унинг байрамона ўтишида, албатта, юртимиздаги барча сайилгоҳ ва томошагоҳларнинг ўрни беқийс. Мана, бир неча кундан буён ўтказилаётган байрам шодиёналари бир-бирига уланиб, инсонларга, болажонларга завуқ шавқ бағишляпти.



Болалигимга қайтгандай бўлдим

БУ БАЙРАМДА ватанимизга ташриф буюрган меҳмонларимиздан бири австралиялик Брейден ВИСОН шундай дейди: — Мўъжизавий шаҳарларингизни кўриб, миллий ўрф-одатларингиз билан танишиб, ўлкангизга мафтун бўлиб қолдим. Оилам билан юртингизга ташрифим Янги йилга тўғри келганидан жуда хурсандман. Айниқса, Мустақиллик майдонидagi "Эртақлар шаҳарчаси"дан кетолмай қолдим. Бу ерда мен болалигимга қайтгандек бўлдим. Болалар ижросидаги куй-қўшиқлар, шодон кулгилар, инсонлар юзидаги байрамона кайфиятини кўриб завқландим. Яна бир нарсани айтишни унутибман, Ватанингизнинг ноилари, миллий таомлари, меваларининг таъми бир умр отзимда қолади. Тилагим, барча оилаларда тинчлик, осойишталик бўлиб, хонадонлар ризқу баракага тўлсин!



Самимиятга йўғрилган кун

ХУДДИ ШУНДАЙ БАЙРАМОНА кайфият Тошкент Давлат циркида ҳам ҳукмрон. Карнай-сурнай садолари... — Байрам бўлса, худди шундай бўлса-да, — дейди Дилором ая Нажимова. — Бугун беш неварам ва уч қизим билан байрамни томоша қилгани келдик. Болаларимизнинг кўларидagi кувончини кўриб, ўзим ҳам шодланиб кетялман. Уларга самимият улашаётган байрам дастурлари ва унинг ташкилотчиларидан миннатдорман. Дилором ая билан сўхбатимизни яқунламасдан, ширингина фарзандини бағрига босган ёш оила — Умаралиевлар оиласини сўхбатга тортидик. — Яқиндагина ўзимиз бола бўлиб ота-онамизнинг кўлидан тугтиб, байрам томоша қилгани чиқардик. Бугун эса, фарзандимизнинг кўлидан тугтиб, Янги йил шодиёнасига олиб келдик. Фарзандингиз билан байрамни нишонлаш узгача бўларкан...

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

Такдимнома киритилди

УРГАНЧ тумани прокуратураси томонидан Урганч тумани, "Қораул" қишлоғи, "Мевазор" кўчаси, 20-уйда яшовчи фуқаро Қ.Қурбанбаевнинг "Инсон ва қонун" газетасига туман ҳокимлигига ер майдони ажратиб бериш юзасидан қилган мурожаати сансоларликка йўл қўйилиб, ижобий ҳал қилинаётганлиги ҳақида ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам Қ.Қурбанбаев 2007 йил 14 май кунини туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, унда "Мевазор" маҳалласи ҳудудидagi ташландик жойдан ер майдони ажратишни сўраган.

Туман архитектура ва қурилиш бўлими томонидан Қ.Қурбанбаев сўраётган ҳудуднинг дастлабки ҳужжатлари расмийлаштирилиб, бирламчи таклиф лойиҳа вилоят шаҳарсозлик кенгашига такдим қилинган ва ижобий ҳулоса олинди. Бош режа тайёрланган, уни тасдиқлаш учун Республика Архитектура қурилиш қўмитасига юборилган. "Ушшаҳарсозлик" АИТП институти шаҳарсозлик секцияси Илимий техник кенгаши мажлисининг 2008 йил 10 июндаги баёни билан сўралаётган манзил бош режага киритилган.

Шу асосда 2008 йил 24 июнь кунини вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан ҳулоса берилган. Ҳозирги кунда барча ҳужжатлар туман архитектура ва қурилиш бўлими томонидан фуқаро Қ.Қурбанбаевга ер ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш учун туман ҳокимига такдим қилинган.

Фуқаро Қ.Қурбанбаевнинг мурожаатини қонун доирасида ҳал қилишда сансоларликка йўл қўйган туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи О.Махмудовнинг интизомий жавобгарлигини ҳал қилиш ва қонунбузилиш сабаблари ҳамда унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи номига такдимнома киритилди.

О.ХАЙТБОЕВ, Урганч тумани прокурори вазифасини бажарувчи, адлия катта маслаҳатчиси

ФУҚАРО Б.Боймуродовнинг турмуш ўртоғи Г.Боймуродовнинг ўлимида айбдор бўлган қўшнис Т.Сангиновга нисбатан қонуний қоралар кўрилмаётганлиги ҳақида ёзган аризаси кўриб чиқилди.

Назоратга олинди

Аниқланишича, фуқаро Б.Боймуродовнинг шу мазмундаги аризаси бўйича Сурхондарё вилояти, Сарносиё тумани прокуратураси томонидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, натижасига кўра, Т.Сангинов ва бошқаларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби аниқланмаганлиги сабабли ЖПКнинг 83-моддаси, 2-бандига асосан жиноят иши кўзгатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Текширув ҳужжатлари Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, айрим ҳолатларга аниқлик киритиш ва Б.Боймуродовнинг аризасида кўрсатилган вазилар бўйича қўшимча текшириш ўтказилиши лозимлиги инobatга олиниб, ушбу қарор 2008 йил 18 ноябрда бекор қилинди.

О.НАБИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси

Текширув ҳужжатлари Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, айрим ҳолатларга аниқлик киритиш ва Б.Боймуродовнинг аризасида кўрсатилган вазилар бўйича қўшимча текшириш ўтказилиши лозимлиги инobatга олиниб, ушбу қарор 2008 йил 18 ноябрда бекор қилинди.

Товон пули ундирилди

СУРХОНДАРЁ вилояти прокуратураси томонидан фуқаро Қ.Бердиёровнинг аризаси мавжуд ижро ҳужжатлари асосида ўрганилди.


Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг 2008 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан қарздор Шеробод туманидаги "Машина трактор парк" АЖ зараридан даъвогар Бердиёров Хушбоқ фойдасига 1.380.888 сўм нафақа пули, 1.288.812 сўм товон пули, 153.434 сўм иш ҳақи, жами 2.823.134 сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати 2008 йил 5 майда Шеробод тумани суд ижрочилари бўлими иш юритувигача қабул қилинган.

Ижро ҳужжати юзасидан 2008 йил 6 май кунини туман суд ижросини томонидан ижро иши юритушни кўзгатиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, қарор нусхаси тарафларга юборилган.

Шеробод туманидаги "Машина трактор парк" АЖ раҳбарияти томонидан суд ижросининг ихтиёрий беш кунлик муддатга қарздорликни тўлаш тўғрисидаги талаби бажарилмаганлиги сабабли, суд ижросини томонидан 2008 йил 7 июлда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 44-моддаси талабига асосан, мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, қарздор балансида бўлган бир дон "УАЗ" русумли 19 АГ 453 давлат рақамли автолуови хатланган.

Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан қарздордан ундирувчи фойдасига 2.669.700 сўм нафақа ва товон пуллари тўлиқ ундириб берилди.

А.НИЯЗОВ, Сурхондарё вилояти прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси



КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ прокуратураси томонидан Китоб тумани Севаз қишлоғида яшовчи фуқаро Ф.Бекназаровнинг фойдаланиш учун унга берилган ер майдонидан 1 гектарини туман ер ресурслари бўлими ходимлари ноқонуний равишда Н.Раззоқовага берганлиги ҳақидаги аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Китоб тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Т.Авашев туман ҳокимлиги захира ер фондидан фуқаролар ва юридик шахсларга фойдаланишга ажратилиши жараёнида ер майдонларини жойида ўрганмаганлиги ҳамда ҳужжатлаштириш ишларини нотўғри юритганлиги оқибатида, туман ҳокимининг 2006 йил 4 ноябрдаги Х-2873-11-сонли қарори билан фуқаро Ф.Бекназаровга пойдевор ва деворбоп тош қазиб олиш мақсадига ажратилган 3 гектар ер майдонидан 0,74 гектари туман ҳокимининг 2008 йил 18 июнда-

20-моддасида ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун қисқа муддатли — уч йилгача ва узок муддатли — уч йилдан ўн йилгача берилиши мумкинлиги белгиланган бўли-

шига қарамасдан, туман ҳокимлиги томонидан захира ер фондидан "Сарносиё — Гуласал" хусусий корхонасига янчилган бўр ишлаб чиқариш учун фойдаланишга берилган. Шунингдек, Ер кодексининг

ер майдони ажратиш ҳақида 2008 йил Х-505-6-сонли ҳамда фуқаро Ф.Бекназаровга пойдевор ва деворбоп тош қазиб олиш мақсадига вақтинча 50 йил муддатта 3 гектар ер майдони ажратиш ҳақида моддий ва про-



Айём ярашади

СЕВИМЛИ ЭРТАҚЛАРИМИЗНИНГ "Бор эканда, йўқ экан" деб бошланишига одатланиб қолганмиз. Ўзбек миллий драма театрида сахналаштирилган эртақ ҳам худди шундай номланади.

Бош қаҳрамон ролин ижро этаётган сеvimли актрисамиз Рихси Иброҳимова шундай дейди: — Болаларини кувонқиларини кўриб, ўзимиз ҳам бола бўлиб кетялмиш. Айниқса, сахнага чиқиб "Ассалому алайкум", деганимизда болажонларнинг ёпқисига "Ва алайкум ассалом" дейишлари, эртақ қаҳрамонлари билан бирга яшиб, уларни ҳис эта олганларидан жуда хурсандим.

Маҳорат билан ижро этилаётган ҳар бир қаҳрамон ҳаёти барчангиз қалбига эзгулик туйғулариини жо этади. Адолат ва ноҳақлик ўртасидаги кураш, меҳр-оқибат ҳақида фикрланга ундайди.

Дилфуза ЭРГАШЕВА, "Инсон ва қонун" мухбири, Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

/// Мактуб

Муаммо 2 кунда ҳал бўлди

Ҳурматли таҳририят!

Мен узок вақтдан бери Сурдарё вилояти «Микрокредитбанк»идан қорвалчиликни ривожлантириш учун кредит ололмай қарсон бўлаётганим. Охири сизларга ёрдам сўраб мурожаат этишга мажбур бўлдим. Шукрки, мурожаатим бесамар кетмади.

Газетанинг вилоят мухбири аралашгач, муаммом 2 кунда ҳал бўлди.

Мен газета таҳририятидан миннатдорман.

Шаҳдо УМАРОВА, Сурдарё вилояти, Гулистон тумани, Улугбек ДФУ, Мустақиллик бўлими

2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ХАЛҚИМИЗДА ЎРИНЛИ ГАП БОР: "Дехқон бойи-са, эл бойиди, турмуши яхшиланади..." Дехқонларимиз етиштирган баракали ҳосилдан барча фуқароларимиз дастурхони ризқ-рўзга тўлади. Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида "Халқимизнинг ризқу рўзи, насибаси, аввало, далаларимизда захматкаш дехқонларимиз томонидан етиштирилган маҳсулотлар, озиқ-овқат ва нозу неъматлар билан ўлчанади", дея таъкидладилар. Бу сўзларни мен захматкаш дехқонларимизнинг меҳнатини этироф этиш, деб биламан.

маси 14 та фермер хўжалигига уруғлик ва маъданли ўғитлар етказиб беришда, экинларни парваришlash ва турли касаллик ҳамда зараркунандаларга қарши курашишда ёрдам бермоқда. Шунингдек, машина-трактор паркимиздаги техника воситаси ва 12 та замонавий комбайн ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб олишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бундай ҳамкорлик, албатта, фермер хўжалиқларининг пахта, бугдоя ва шולי режаларини ортиги билан бажаришларига имкон яратди. Батанимиз тараққий этишида, гуллаб-яшнаши-

Талқин
Халқ фаровонлиги
КАЛИТИ

МАМЛАКАТ РИВОЖИ ислохотлар самарадорлигига боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий мақсади халқ фаровонлигини таъминлашга, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган. Республикада мустақкам қонунчилик базаси яратилганлиги, кўпгина асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилганлиги, суд-ҳуқуқ тизимининг такомиллашуви, шунингдек, энергетика, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, банк иши, молия, солиқ ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги ва уларнинг ижро механизми яратилганлиги ислохотлар самарадорлигининг исботидир. Ҳозирги пайтга келиб суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви ҳамда судларнинг ихтисослашуви жараёни деярли охирига етди.

Шу билан бир қаторда, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида муҳим қадамлар ташланмоқда. Бу борада 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий Қонуннинг қабул қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Мазкур Қонун Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг тузилиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, шунингдек, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартибини белгилаб берди.

Бундан ташқари, ушбу Қонунга асосан, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларига вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифаси юклатилди. Жумладан, Қонуннинг 7-моддасига кўра, назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қонирқисиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулоса-лар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилди. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентини бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади. Ушбу нормадан кўриниб турибдики, қайд этилган Қонун вакиллик органи ва ижроси ҳокимияти ўртасидаги мувозанатни ушлаб туриш механизмининг яратди ва давлат томонидан олиб борилган ислохотларнинг асосий мақсади мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат яратилишига хизмат қилади.

Баҳоидир МАҲМУДОВ, Адлия вазирлиги хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Фикр

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗ томонидан ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциядир. Болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ҳимоясида бўлиб, улар томонидан содир этилган маъмурий ёки жинойий ҳуқуқбузарлик учун қонун доирасида жинойий жавобгарликлар қўлланилади.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Жиноят кодексининг "Вояга етмаганлар жавобгарлигининг алоҳида хусусиятлари" тўғрисидаги VI бобида вояга етмаганларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо чоралари ва уларни жавобгарликдан озод қилиш шартлари, жазо турлари белгиланган. Жиноят кодексининг 81-моддасида бунга доир жазо чораларининг рўйхати берилган бўлиб, улар жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум қилишдан иборат.

Вояга етмаганларга нисбатан узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин эмас. Шу билан бирга, жазоларнинг энг кўп миқдори катталарга қўлланиладиган шу турдаги жазоларнинг миқдоридан камлиги билан фарқ қилади. Масалан, вояга етмаганларга жарима 2 дан 20 баробаргача бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан вояга етганларга эса 5 дан 600 баробаргача белгиланган. Болаларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилишида ҳам худди шундай йўл тутилади, яъни уларнинг муддати бир мунча кам. Вояга етмаганлар муайян шароитларда жинойий жавобгарлик ва жазодан озод этилиши мумкин. Шу билан бирга уларга жабрланувчидан уэр сўраш, етказилган зарарни бартафат этиш ёки ўрнини қоплаш, махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш каби мажбурлов чоралари

қўлланилади, булар характерига кўра жинойий жазо ҳисобланмайди. Болаларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этиш ва жазони енгитириги билан алмаштириш чоралари ҳам мавжуд. Ижтимоий ҳавфи бўлма-

ни истемол қилиш, гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддаларни истемол қилишга жалб қилиш учун жинойий жавобгарлик" белгиланган. Ушбу модда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 33-моддаси талабларини бажарилишини ҳам таъминлайди. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг қатор моддаларига мувофиқ вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг моддий таъминлашдан бўйин товлаш, болани алмаштириб қўйиш, фар-

Бола ҳуқуқлари
қимояси

ган, эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган, унча оғир бўлмаган, лекин касддан содир этилган жиноятлар учун вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланилмаслиги ўсирилган нисбатан жинойий жазоларни либераллаштиришда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, вояга етмаганлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини фақат тарбия колонияларида ўтайдилар. Жиноят кодексининг 127-моддасида "Вояга етмаган шахсини гаيري ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, яъни болани тиланчилик, спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳванд ёки психотроп бўлмаган, аммо акр-идроки фаолиятига таъсир қилувчи моддалар ёки воситалар-

зандликка олиш сирини ошқор қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш жинойий жавобгарлик учун эса саналади. Жамиятнинг анча нозик ижтимоий гуруҳи бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини, айниқса, ҳуқуқбузарлик йўлига кириб қолганларнинг одил судлов ҳуқуқини таъминлаш масаласига доимо жиддий эътибор қаратиб келинапти. Ўйлаймики, вояга етмаганларнинг ишларини кўрадиган махсус суд тизимига асосланган ювенал юстиция ташкил этилса, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир ишларимизни янада ривожлантиришга хизмат қилган бўлар эди.

Баҳром ЭШМУРОВ, ТДЮИ ўқитувчиси, Шерзод АКРАМОВ, ТДЮИ магистранти

Имкон
Эшиклари очилмоқда



Батанимиз ободлиги кишлоқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги билан боғлиқлигини 32 йил хўжалик бош муҳандиси ва раҳбари бўлиб ишлаган мутахассис ҳамда вилоят ва туман кенгашлари депутати сифатида яхши биламан. Юртбошимизнинг бу борадаги одилона

сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Уйлайманки, фермерликни янада ривожлантиришда агрофирмаларнинг ҳам ўрни бекиёс. Мисол учун, бугунги кунда мен раҳбарлик қилаётган Куйичирчик туманидаги Алишер Навоий номли "Агродаврийси" агрофир-

да ҳар бир инсоннинг ўз масъулияти бор. Ҳар биримиз бунини ҳис қилиб яшасак, эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз. Турсунхўжа ИСКАНДАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими

Бино тўлиқ таъмирланди

БОЁВУТ — Сирдарё вилоятининг тўнғич туманлари сирасига киради. Барча жабҳада йилдан-йилга юксалиб бораётган мазкур туманда яна бир иншоот тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилди.

Ушбу бино калити янги йил арафасида "Сирдарё ҳамкор-сервис" МЧЖ курувчилари томонидан Суд ижроичилари Боёвут тумани бўлими раҳбариятига топширилди.

— Барча қулайликларга эга бино хоналарининг ҳар бирига замон талабларига жавоб бера оладиган турли жиҳозлар, компьютер техникалари ўрнатилди, — дейди биз билан суҳбатда Суд департаменти вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шухрат Кўчқоров. — Уйлайманки, бу ходимларимизнинг янада самаралироқ ишлашларига яқиндан ёрдам беради.

Таъмирлаш ишлари учун сарфланган 26 миллион 623 минг сўм маблағ Республика Суд департаменти томонидан ажратилди. Кези келганда айтиш жоиз, 2008 йил мобайнида вилоятдаги 11 та суд ижро бўлимининг 5 таси худди шу тарзда таъмирланган ва республика департаменти томонидан молиялаштирилган эди.

Абдуғаффор ОМОНБОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Ўзбошимчалик
қимматга тушди

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларининг фаолияти даврида ходимлари, ишчи ва хизматчилари билан меҳнат муносабатларига киришадилар. Меҳнатга оид қонунчилик ўзига хос хусусиятларга эга, аммо ушбу ташкилотларнинг барчаси ҳам малакали юрист хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Натижада ташкилот раҳбарлари тушуниб-тушунамай меҳнатга оид қонунбузилишларга йўл қўйиб, ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва меҳнат қонунчилиги билан қўриқланган ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилмоқдалар.

Анджон вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари томонидан вилоятда фаолият юритувчи тиббиёт ва халқ таълими муассасаларида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан мониторинглар таҳлил қилинганда, айрим муассасалар томонидан сурункали меҳнат қонунчилиги бузилиб келинаётганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар таҳлил қилинганда муассасаларда меҳнат қонунчилигига оид адабиётларнинг етарли эмаслиги, кадрлар кўнимсизлиги, юрист штати мавжуд эмаслиги каби ҳолатлар аниқланди. Адлия бошқармаси бошлиғи топшириғига кўра, "Меҳнат дафтарчаларини

юретишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами" қўлланма сифатида нашр этилиб, вилоятда фаолият юритаётган барча тиббий ва халқ таълими муассасаларига тасвир этилди ҳамда меҳнат қонунчилиги бўйича жойларда ўқув-семинар йиғилишлари ўтказилди.

Лекин шунга қарамадан вилоятда фаолият юритаётган муассасаларда ҳали ҳам меҳнатга оид қўпол қонунбузилишларга йўл қўйилиб келинмоқда. Анджон вилояти адлия бошқармасига Пахтаобод туманида яшовчи фуқаро Д.Мадаминова 8-мактабгача таълим муассасаси мудири М.Абдуллаевнинг хатти-




Алишер АБДУРАҲМОВ, Анджон вилояти адлия бошқармаси ходими

ҳаракатларидан норози бўлиб ариза билан мурожаат қилди. Аризада кўрсатилган ҳолатлар адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари томонидан жойига чиқиб ўрганилганда мудири М.Абдуллаева томонидан фуқаро Д.Мадаминовага Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 154, 161-моддаларига зид равишда муассасада ишлаган саккиз ойлик иш ҳақи ҳар хил важлар билан ўз муддатида берилмасдан келинаётганлиги ҳамда фуқаро билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ расмийлаштирилган бўлса-да, мазкур кодекснинг 108-моддасига зид равишда меҳнат дафтарчаси ҳамда буйруқ нусхаси берилмаганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан адлия бошқармаси Пахтаобод тумани Бандликка қўмаклашувчи марказга айбдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиш юзасидан таклиф киритди.

Адлия ёрдам берди



Давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ариза ва тўпланган ҳужжатларни жойида атофлича ўрганиб чиқиб, 2008 йил 28 июль куни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан муассаса мудири М.Абдуллаевага нисбатан энг кам иш ҳақининг 2 баробари, яъни 41.730 сўм миқдоридан жарима қўллашга ҳамда фуқаронинг фойдасига жами 725.944 сўм миқдоридан ойлик иш ҳақларини ундириб беришга қарор қабул қилиб, дарҳол ижрога қаратди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мансабдор шахс шахсий адоват натижасида ўзи билмаган ҳолда фуқаронинг ҳуқуқларини қўпол равишда поймол қилган.

Алишер АБДУРАҲМОВ, Анджон вилояти адлия бошқармаси ходими


Маблағ эгасига
қайтарилди
Хорижий сармоя иштирокидаги
корхоналарга ҳуқуқий ёрдам

ТОШКЕНТ ШАҲАР адлия бошқармасининг хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими томонидан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йил мобайнида бўлимга келиб тушган 118 та ариза ва шикоятнинг 113 таси кўриб чиқилган. Натижада судларга хорижий ва қўшма корхоналар фойдасига 3.341.271.175 сўм ундиришни сўраб 98 та даъво ариза киритилган. Шундан 90 та даъво ариза қаноатлантирилган, суд қарорларига кўра, корхоналар фойдасига 2.625.308.801 сўм ундириш белгиланган. 60 та суд қарорини

2008 йил мобайнида бўлимга келиб тушган 118 та ариза ва шикоятнинг 113 таси кўриб чиқилган. Натижада судларга хорижий ва қўшма корхоналар фойдасига 3.341.271.175 сўм ундиришни сўраб 98 та даъво ариза киритилган. Шундан 90 та даъво ариза қаноатлантирилган, суд қарорларига кўра, корхоналар фойдасига 2.625.308.801 сўм ундириш белгиланган. 60 та суд қарорини

нинг ижроси таъминланиб, 1.264.247.054 сўм маблағ реал ундирилишига эришилди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартафат этиш юзасидан киритилган 40 та тақдимнома ва огоҳномаларнинг 36 таси қаноатлантирилди. Улар асосида 9 та ҳужжатнинг ижроси тўхтатилган ва бекор қилинган, 27 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 3 нафари вазифасидан озод этилган. Мисол тариқасида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан кўриб чиқилган "Toshkent yog'-moy kombinati" қўшма корхонасининг солиқ идоралари ходимлари корхонага нисбатан қонунда кўзда тутилган имтиёзларни қўллама-



Баҳоидир МАҲМУДОВ, Адлия вазирлиги хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ётганлиги тўғрисидаги мурожаатини келтириб ўтсак. Мазкур қўшма корхонада 2007 йил давомида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва бюджет билан ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши юзасидан солиқ идораси ходимлари томонидан 2008 йилда текшириш ўтказилиб, 2007 йил учун 44.938.000 сўм даромад солиғи қўшимча ҳисобланган ва бу ҳақда далолатнома тузилган. Август ойида Ҳамза тумани ДСИ томонидан қарор қабул қилиниб, "Toshkent yog'-moy kombinati" қўшма корхонасининг қўшимча ҳисоб-корхона солиқлар ва йиғимларини, шу жумладан, қўшимча ҳисобланган 44.938.000 сўм даромад солиғини ундириш белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорининг 37-банди, 5-иловасига кўра "Toshkent yog'-moy kombinati" қўшма корхонаси Инвестиция дастурига киритилганлиги сабабли корхона Солиқ кодексининг 31-моддасига мувофиқ фойда солиғидан озод этилган. Ушбу имтиёз қорхона рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб, етти йил мобайнида қўлланилиши кўзда тутилган.

Адлия бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ДСИга "Toshkent yog'-moy kombinati" қўшма корхонасига нисбатан солиқ идоралари ходимлари томонидан 2008 йил 10 июлда тузилган далолатнома ва 4 август куни Ҳамза тумани ДСИ томонидан қабул қилинган қарорнинг "Toshkent yog'-moy kombinati" қўшма корхонасидан қўшимча ҳисобланган 44.938.000 сўм даромад солиғини ундириш қисмини бекор қилиш ва имтиёз қўллаш масаласини кўриб чиқишни сўраб киритилган тақдимнома ижроси тўлиқ таъминланшига эришилди. Қўшма корхонанинг ҳуқуқлари тикланиб, унга қонунда кўзда тутилган имтиёздан фойдаланишига шартно яратилди.

Маъмуржон ТҮЙЧИЕВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Мазкур саҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида Хоразм вилояти прокуратураси фаолияти бўйича тайёрланди.

КўПЧИЛИККА МАЪЛУМ, республикамизнинг барча минтақаларида, хусусан, вилоятимизда ҳам замонавий технология асосланган йирик корхоналар, пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган мажмуалар барпо этилди. Бугун Ўзбекистон жаҳонда автомобиллари, самолётлари, вази, олтин, тўқимачилик маҳсулотлари билан машҳур давлатга айланди. Буларнинг ҳуқуқий кафолатини эса давлатимиз Конституцияси таъминлайпти. Мустақилликнинг илк давридаёқ ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш асосий вазифага айланди. Ислохотлар шароитида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солишчи қонунчилик меъёрлари изчиллик билан амалиётга татбиқ этилди. Ҳаётимиздаги ўзгаришлар ва бозор инфратузилмаси ифодаси сифатида биржалар, тижорат банклари, сўғурта компаниялари ва қўшма корхоналар, хусусий корхоналар, фермер ҳўжалиқлари кенг фаолият кўрсатмоқдалар. Эндиликда улар мамлакат халқ ҳўжалиги тараққиётининг барометрига айланмоқда.

Назар

Пойдевор мустаҳкам бўлса...

юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар асоси Конституциямизда аниқ белгилаб берилган

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ тан олиниши ва қонун билан ҳимояланиши тоталитар тузум пайтида топталган ҳақ-ҳуқуқларимиз ва ижтимоий адолат қайта тикланишининг ёрқин намунаси. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириш жараёнлари кўп тармоқли мулкка асосланган иқтисодиёт тизимини вужудга келтирди.

Давлатимизнинг Конституцияга асосланган изчил сиёсати бизни нафақат иқтисодий таназзул, балки маънавий инкиरोздан ҳам асраб қолди. Маънавий соҳасидаги ислохотлар халқимизга ўзлигини аниқлади, асрлар давомида шаклланган муқаддас исломий қадриятларимиз, урф-одат ва аъёнларимиз, ота-боболаримиз асраб-авайлаган бой ижодий меросни ўзимизга қайтариб берди, ривожлантирди.

Вилоятимиз маркази Урганч шаҳрида ташкил этилган Жалолиддин Манғуберди ёдгорлик мажмуаси, "Авесто" боғи, Марказий хиббон ва буюк алломалар номидаги боғлар, Хива шаҳрида ташкил этилган Хоразм Маъмур академияси буларга ёрқин мисолдир. Ёш авлоднинг жаҳон андазалари даражасида билим олишлари, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишлари учун замонавий касб-хунар коллежлари, спорт соғломлаштириш мажмуалари, янги мактаблар қурилиб, ишга туширилмоқда. Ёнг муҳими, келажак эгалари бўлган ёшларга эътибор кучайди.

Ҳуқуқий давлатни қонун устуворлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Президент Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, "Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир". Юксак тараққиёт этган барча демократик давлатларнинг босиб ўтган ривожланиш йўли айнан шу ҳақиқатни

аниқ-равшан тасдиқлаб турибди. Ушбу гоёларни жамоатчилик онига синдириш, ҳар бир фуқаронинг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга кўмаклашди. Ана шу муҳим вазифаларни амалга оширишда прокуратура ходимлари ҳам улкан ҳисса кўшишлари лозим.

Инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига таяниб барпо этилган миллий ҳуқуқий тизим ва инсон манфаатлари ислохотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди. Шу маънода мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам мустақиллик йилларида халқимиз эришган ёнг катта ютуқлардан бири бўлди. Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши кўлаб ҳорижий мамлакатлар олим ва мутахассисларнинг эътирофларига сазовор бўлмоқда. Европа иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу қарорини тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислохотларни бундан буюн ҳам изчил амалга оширишни кўлаб-қувватлади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Конституциямиз ўтган йиллар давомида давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитган сиёсий ҳўжат сифатида намоён бўлди. У ҳар биримизни ватан ва халқ манфаатлари, Конституцияда белгилаб қўйилган мақсадлар йўлида янада маҳамроқ жипслаштирди. Жипслаган халқни эса дунёда ҳеч қандай куч енга олмайдди.

Бахтиёр ШОМИРЗАЕВ,
Хоразм вилояти прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Демократик қадриятлар жамият ривожининг қанотларидир

Муносабат

ИНСОННИНГ кўп асрлик таърибаси жамият демократияга инсонпарварлик тамойилларига суянсагина ривожлана олишини кўрсатмоқда.

Инсонпарварлик сиёсати айнан Ўзбекистон танлаган йўлдир. Давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари ва қадриятларини ишончли тарзда муҳофаза қилиш, кўчли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган стратегик мақсади пиروвардида мамлакатимизни турли нуфузли халқаро ташкилотлар ва битимлар билан боғлашда ишончли ҳуқуқий кафолат вазифасини ўтади ва жаҳон ҳамжамияти республика Президентиди, давлати ҳамда ҳукуматининг бу соҳадаги сиёсий йўлини юқори баҳолади. Истиқлолимизнинг ўтган 17 йили мобайнида юртимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳўжатга қўшилди. БМТнинг 6 та нуфузли халқаро шартномаси қатнашишига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳўжатлар орасида алоҳида ўрин тутди.

Инсон омилини улуғлаш, қадриятларини қадрлаш, ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш билан боғлиқ кенг қамровли амалий ишларда жинсий язоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир мамлакат Қонунининг ўрни ва роли, айниқса, катта бўлди. Мазкур Қонун кучга кирганидан буюн ўтган 7 йил ичида унинг талаблари бажарилгани ҳолда биргина Хоразм вилояти бўйича жиноят содир этган 2560 киши жазодан озод қилинди.


Ушбу қонун ҳўжжати қабул қилинган 2001 йили вилоят бўйича 2865 нафар киши жиний хатти-ҳаракати учун жавобгарликка тортиб, суд қилинган, улардан 1613 нафари ёки жами айбланганларнинг салкам 60 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган эди. 2008 йилга келиб, вазият тамомла ижобий томонга ўзгарди. Озодликдан маҳрум этишга қаратилган жазо чораси жавобгарликка тортилган 1753 нафар кишининг атиги 425 нафари ёки ҳар тўртинчи айбланувчининг бир нафарига нисбатан қўлланилди. Бу соҳада юртимизда инсонпарварлик сиёсати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси маҳбуслар

сонинг ёнг кам мамлакатлар сафига қўшилди. Бу масалани адолатли ва холисона ҳал этишда Президентимизнинг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги 2005 йил 8 августда қабул қилган тарихий қарори ҳал қилувчи аҳамият касб этди. "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида" тарихий Фармон кучга киргач эса бу борадаги сиёсатимиз яна бир поғона юқорига кўтарилди.

Инсон ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг катта қисми қонун назорати тартибиде дахлдор идора ва ташкилотлар ишини ўрганиш йўли билан таъминланапти. 2007 ва 2008 йиллар мобайнида бўлимимиз томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида фуқаролар манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 10 минг 228 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. 1822 та тақдирнома, 516 та огоҳнома, 951 та протест киритилди. 1540 та хатти-ҳаракат юзасидан маъмурий, 220 та қонунбузарлик ҳолати юзасидан эса жиноят иши қўзғатилиб, судларга 573 та даъво аризаси билан мурожаат қилинди. Инсон ҳуқуқларига доир тўрачилик, қонун бузилишларига чек қўйиш ва уларнинг олдини олишда бу сингари тадбирларнинг аҳамияти катта. Бундай саъй-ҳаракатлар келгусида инсон ҳақ-ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш кафолатини беради. Шу ўринда эслатиш зарур, бу соҳадаги долзарб вазифаларни изчил ва тезкор тарзда амалга оширишга қарата мамлакат Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги таркибиде инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи маҳсуус бўғинлар шакллантирилган. Бундай бўғинлар вилоятимиздаги қонун назорати ва ҳуқуқ тартиботи идораларида ҳам мавжуд. Мазкур бўғинлар ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ишончли кафолати сифатида қизгин фаолият кўрсатапти.

Умуман, дастурлар, тадбирлар, қабул қилинган қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳўжатлар шарофати билан бутун юрт аҳли давлатнинг кафолатланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий ҳуқуқлари ҳимояси остида тинч ва хотиржам яшашдек буюк имконини кўлаб киритди.

Бахтиёр ЖУМАНИЕЗОВ,
вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори,
адлия маслаҳатчиси



Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Мансур Матқариев Шовот тумани прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси Камолддин Оллаберганиевага касб маҳорати сирларини сабоқ берапти.



Урганч шаҳар прокурори ёрдамчиси, учинчи даражали юрист С.Рўзиматова талаба-ёшлар билан.

МАМЛАКАТИМИЗДА истиқлол устунлари мустаҳкамлана борган сори демократик қадриятларга йўл очилапти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони (2008 йил 1 май) ва мамлакат ўз истиқлолидан кейин биринчи бўлиб, ана шу халқаро ҳўжатга қўшилиши фикримизни яққол тасдиқлайди.

Прокурор назорати

Тадбирлар белгиланмоқда

кенг қамровли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда

Ўтган 2008 йил инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ёрқин кўрсатиши — одам савдосига қарши курашнинг муҳим босқичига айланди, десак муболаға бўлмайди. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун (2008 йил 17 апрель) қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарорга (2008 йил 8 июль) имзо чекди. Сентябрь ойида эса Жиноят кодексининг мазкур масалага оид 135-моддаси тўла янгиланган ҳолда амалга киритилди. Айрим жиноятлар қатор мамлакатлар доирасидан чиқиб, аллақачон транс-миллий қиёфага киргани

эндиликда ҳеч қимга сир эмас. Шундай экан, жиноятчиликнинг чегара билмас кўринишига қарши кураш мустақил Ўзбекистонимиз учун ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Қайд этилган ҳуқуқий ва директив ҳўжатлар жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвишга солаётган ушбу долзарб масаланинг ижобий ечимларини таъминлашга хизмат қилади. Бу борадаги қамровли саъй-ҳаракатларни ташкил этиш, мувофиқлаштириш, йўналтириш, ижро назоратини уюштириш сингари кенг миқёсдаги тадбирларни эса Президентимизнинг юқоридеги қарори асосида таркиб топган идораларо комиссиялар амалга оширади. Мазкур комиссиялар

иш бошлаганидан буюн ўтган қисқа фурсат ичида ҳамюртларимизнинг устувор ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бир қанча таъсирчан чоратадбирлар ишга солинди. Бунинг ифодасини бизнинг вилоятимизда ҳам кўриш мумкин. Фуқаролар мурожаати ва қонун назорати доирасида олиб борилган тергов-суришти-

фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда 2008 йилда 43 мартаба бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаларини ўтказди. Уларда жами 1825 та корхона ва ташкилот томонидан аҳолига 13 мингга яқин бўш иш ўринлари таклиф этилди. Ана шу ўринлар бўйича 6,5 мингга яқин фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. Ярмаркаларнинг жами катнашчилари сони эса 17 минг кишини ташкил этди. Бўш иш ўринларини тўлдирishi юзасидан ўтказилган бошқа тадбирлар ҳам ўз самарасини берди. Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига кўра, ўтган йили жами 36 мингдан зиёд янги иш ўринларини очиб кўзда тутилган эди ва бу натижага ҳам эришилди. Айни пайтда меҳнат ва иш билан таъминлаш масалалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ҳам тегишлича баҳосини олди. Йилнинг ўтган даври мобайнида йўл қўйилган ҳолатларни бартафоз этиш юзасидан мутасадди идора ва ташкилотларга 74 та тақдирнома киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича эса 6 та жиний иш қўзғатилди.

Конституция ва қонунларимизда аксини топганидек, юртимизда инсон қадри ҳар нарсадан баланд ва устун. Бунинг ҳеч қим эсдан чиқармаслиги керак. Холис фикр ва хулосамиз эса шундай: ўз қадрини англаган одам ўзгалар шайни, қадри-қиммати ва ғурурини ҳам англамоғи, иззат-ҳурматини эса доимо ва албатта, эъзозлаб яшамоғи керак.

Райхон ЮСУПОВА,
вилоят прокурорининг қонунчилик тарғиботи бўйича катта ёрдамчиси

Сохта тадбиркорнинг «омади» ва кулфати охир-оқибат уни абгор қилди

Таассуф

ЭЛ ИЧИДА "Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич" деган нақл бор. Лавҳамиз қахрамони, хонқалик З.Жуманиёзов ана шу нақлнинг пешини ушлаган ҳолда ҳалол меҳнат қилиб яшаса бўларди. Аммо "тадбиркорлиги" иш бериб, "тежамкорлик" манзиллари сари йўл олганлигини ўзи ҳам пайқаймай қолди. Хўш, у нимани "тежамкор" ни ният қилганди? "Солиқдан бўлак нимани ҳам тежарди", истеҳзо билан жавоб қайтарилди, пиروвардида унинг уйини кўздан кечирган текширувчилар.

Солиқларни четлаб ўтган кўйи "фаолият" юритган кезлар чиндан ҳам тадбиркор йиғитнинг омади чопди. Жарақ-жарақ пуллар ёнга қолди. Нафни ўзига раво кўрди, ўзга раво кўрмади. Юрт бойлиги, умум хазинамиз — солиқ захирасини бойитишга бўйни ёр бермади.

Назорат тадбирлари асосида унинг бор ва бой "фаолияти" юзага қалкиб чиқди. Аён бўлишича, Навхослик бу фуқаро уйда пахта чигитини қайта ишлашга мўлжалланган қўлбола цехи охирадан ҳечам истиҳола қилмаган. Орттирган мўмай даромадидан солиққа улуш ажратмагани камлик қилгандай, электр энергиясидан ҳам ноқонуний равишда фойдаланган. 3 тармоқли флектор тоқини яширин цехига ўзбошимчилик билан улатган.

Касални яширишдан наф йўқ. Иситмаси

келиб қолган?! Қўлбола дастгоҳ-у, асбоб-ускуналарни-ку, ясаб олса бўлар, лекин давлатимизнинг олтин захирасини ташкил этувчи юқори навли пахта чигити қаёқдан келиб қолди? Текшириш чоғида буниси ҳам аён бўлди. Яширин корхона эгаси З.Жуманиёзовнинг маълум қилишича, бир думалаб, тайёр маҳсулотга дўниб қолган 1000 кило уруғлик чигитини унга 40 та қоғоз қопга жойлаган ҳолда амакиси — "Хонқа пахта тазалаш корхонаси"да ҳайдовчи бўлиб ишловчи Ж.Жуманиёзов етказиб берган. Сўров чоғида Ж.Жуманиёзов бу айбини инкор этмади, ҳатто чигит учун жиниядан 100 минг сўм миқдорда пул олганини ҳам тан олди.

Цех фаолияти обдан ўрганилгач, Синов ва сертификатлаштириш марказига мурожаат қилинди. У ердан олинган хулосага кўра, З.Жуманиёзовнинг ноқонуний цехи маҳсулотлари сифат бўйича белгиланган меъёрларга жавоб берайди.

Очкўзлик ва қаноатсизликнинг оқибати бир кунмас-бир кун кўнглик етақлайди. Яқин

қариндош "тадбиркорлар" 2 фарзанднинг отаси, 1980 йили туғилган Зийнат Жуманиёзов ва 3 нафар фарзанда ота бўлиши Жуманиёзовларнинг хуфёна иши ана шундай яқун топди.

Шу ўринда "Хонқа пахта тазалаш корхонаси" мутасаддиларига ҳам қўйил қолмади. Қизик, бебаҳо мулк талон-тороҳ этилса-ю, ўз бурни остида содир бўлган бу гаройиб воқеадан улар беҳабар қилишса?!

Қонун сиёлаганини сийлайди. Узгаларга панд берган кўйи ўз фойдаси учун беш панжасини озғига тик-қанларни эса асло кечирмайди. Жуманиёзовларнинг "тадбиркорлик фаолияти" яқини бунинг аниқ тасдиқлади. Улар ҳам барча қатори ҳалол яшаш ва ишлашлари мумкин эди. Таассуф. Инсонийлик ва тадбиркорликнинг бу фарзини нафс бандалари илғай олишмади.

Бахтиёр ЖУМАНИЕЗОВ,
СВОЖДЛКК
Департаментининг
Хоразм вилояти
бошқармаси бўлим
бошлиғи, адлия
маслаҳатчиси



Дўрмонда қиш

ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

XVII асрнинг 30-йилларида туғилб, XVIII асрнинг 30 йилларигача яшаб, 100 йилдан ортиқроқ умр кўрган, замондошлари Мирзо Юсуф ва Малехо Самарқандий томонидан оловқалб, ўткир тили адиб деб таърифланган Хожа Самандар Мухаммад ибн Бақо Термизий ўз замонасида маънавият дастурини тарғиб этган таниқли алоамалардан бири бўлган. Зотан, унинг тахаллуси бўлган Самандар тушуничаси ҳам унинг руҳиятига монанд эканлигидан далолат беради. Унинг замондошлари адабни афсоналарда олов ичида туғилиб, олов ичида яшаган самандарга ўхшатадилар. Ҳақиқатан адабнинг "Дастур ул-мулк" ("Подшоҳлар учун дастур") асарини ўқир эканмиз, унинг оловманд руҳият соҳиби, маънавият тарғиботчиси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

ЮМШОҚ ТАБИАТЛИЛИК ВА САБР-ТОҚАТ ҲАҚИДА

АЗИЗИМ, надомат ва паришонлик тузоғига тушмай десанг, ҳахлнинг асов оти жиловини сабр билан тортиб, тўхтат. Ужар шубҳаларнинг дарахти соясиди — қоронғиликда қолиб, оқибатда ўқинмаслигинг учун ақл нури билан уни ёрит. Бинобарин, айтадиларки:

Ғазабланма биров қилганда гар гуноҳ, Жазолашга шошилма ҳеч, бўлгин огоҳ, Чун бадахшон лаълини синдириш осон, У қайта уланмас, йўқдир имкон. Ножоиш ишни қилсанг ҳар жойда, Оқибат афсус чекишдан на фойда?

Азизим, андишали мулоҳазали, ақли киши ҳар қандай миш-миш гапларга ишониб қизишмайди. У бирон бир ишнинг ҳақиқий ҳолатини далил, исботлар ва ҳужжатлар асосида аниқламагунча, ҳеч кимни жазолашга шошилмайди, яъни ҳукм чиқармайди. Бинобарин, айтадиларки:



Байт Ғаразгүй сўзларин тинглашни, зинҳор қилмагил одат — Ки, чекмассан оқибатда на афсус, на надомат.

(Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулк" асаридан олинди)

Ж.ЭСОНОВ тайёрлади

ЧАҚМОҚТОШ

СЮН-ЦЗИ

(Тахминан милоддан аввалги 313-235 йиллар)

ҚАДИМИЙ ХИТОЙ файласуфи Сюн-цзи Чжао хоқонлигида дунёга келди. Милоддан аввалги 266 йилда Чжаонин тарк этиб, Цин салтанатига жўнади ва бу ерда хоқон Чжао-ван ҳамда унинг бош вазира Суй билан ҳамсуҳбат бўлди.

МИЛОДДАН аввалги 264 йили файласуф Ци хоқонлигига келиб, "Цзиэя" академиясида дарс бера бошлайди ва тез орада салтанатдаги энг кўзга кўринган аёнлар қаторидан жой олиб, олимларга бошчилик қилади.

Қалб тананинг соҳиби ва донолиқнинг ҳокими-дир. У танага буйруқ беради.

Ҳукмдорлар бадавлат ва саҳий бўлмасалар, мамлакатни идора этолмайдилар.

Минг йил аввал юз бер-

ган нарсалар, албатта, тақрорланади. Бу тақрорланиш доимийликдир.

Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлашади. Катта бўлганларида эса турли қилиқлар қилишади. Бу — тарбиянинг оқибати.

Ҳаддан ортиқ шафқатсизлик қилганлар муваффақиятсизликка учрайдилар, ўта мулоимлик эса кишини занжирбанд этади.

Фақат ўз шахсий манфаати ҳақида қайғуриб, бурчини унутмоқлик ўта кетган пасткашлиқдир.



Ҳар бир инсон ниманидир тўғри, деб ҳисоблайди. Бу ҳолат донога ҳам, ахлоққа ҳам бирдек тегишли. Бирок улар тўғри деб топган нарсалар бир-бирига ўхшамайди. Доно билан ахлоқ ўртасидаги фарқ ана шундадир. Саида ЖУРАЕВА тайёрлади

ҲАР БИР қонун жамият ва инсонлар манфаатини кўзлаб қабул қилинади. Барча давлатда Конституция давлат ва жамият тузилиши асосларини умумий тарзда белгилаб берувчи ягона ҳужжат саналади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда Ватанимиз ва унда яшовчи фуқароларнинг азалий орау-умидлари ва истаклари ўз аксини топди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямизда дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг қонунчилик тажрибаси ва ҳалқимизнинг бой тарихий мероси, миллий ва маънавий қадриятлари мужассамлашди.

Изоҳ

Демократик жамиятимиз асоси

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ I боби 13-моддасида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади".

Бу фикрларнинг моҳиятини тушуниш, унинг рўйбунини кўриш учун мустақилликнинг ўтган ўн етти йилига бир назар ташлаш кифоя. Юртимизда юз берган улкан бунёдкорлик ишлари, таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилган улкан ислохотлар Бош қомуси-

сининг фаол ишлаётганини кўрсатиб турибди. Истиқлол йилларида инсонлар онгида юз берган ўзгаришларнинг далили сифатида шуни айтиш керак, эндиликда катта ва кичик, мулкдор ва деҳқон, шифокор ва ҳайдовчи ўз ҳақ-ҳуқуқларини билади ва ҳимоя қилади.

Қонунларнинг устунлиги ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг асосий тамойилларидан бири саналади. Шунингдек, Конституциямизда давлатнинг фуқаролар олдига масъулияти, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва кафолатланиши ҳам ёрқин ифода-

сини топган. Таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизда инсон манфаатларининг устуворлиги қонунчилигимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида қаралиши билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бу, айниқса, юртимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асосий таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимининг бутунлай янгича концепцияси жорий қилинганда яққол кўринади. Яъни ислохотлар жараёнида суд-ҳуқуққа оид қўлпал қонунлар қабул қилиниб, уларда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Ўтган давр



ичида судлар турига қараб жиноят, фуқаролик, ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди. Суд ишларини апелляция ва кассация тартибиде кўриб чиқиш институтлари амалга киритилди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниб, умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаширилди, бу билан жиноятга оид жазо тизими тубдан либераллаштирилди. Зеро, ҳар бир инсон ҳаётга умид билан келади. Инсон умрининг қадр-қиммати, инсон ҳаёти азизлиги Конститу-

циямизнинг 24-моддасида ўз ифодасини куйиди-гича топган:

"Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир".

Демак, 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниши-нинг асослари бундан ўн олти йил аввал яратилган-лигига гувоҳ бўламиз.

Клара АЛЛАШЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари

Конференция

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

ТДЮИда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бора-сидаги ҳуқуқий ислохотлар асоси" мавзусида мамлакатимиз олимлари ҳамда Япониядаги Нагоя Университетининг бир гуруҳ профессорлари ҳамкорлигида халқаро конференция ўтказилди.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ суверен эрки ва иродасининг ифодаси тарзида вужудга келган Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бугунги кунда мамлакатда ижтимоий, сиёсий барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қонуний замини ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолати сифатидаги аҳамияти беихоса каттадир. Зеро, ўзбек халқининг янги давлат ва жамият барпо этишига, кўп асрлик орау-умид ва мақсадларини рўйбга чиқаришига хизмат қиладиган, мустақил янги ҳаёт куриш учун Конституция бир томондан муҳим восита бўлиб санала-диган бўлса, иккинчи томондан эса унда белгиланган қоида ва нормалар асосида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, конституциявий давлат куриш ва жамиятни ташкил этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда, Конституцияда белгилаб қўйилган олий мақсадимиз, яъни демократик ҳуқуқий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида давлат ва жамият курилиши соҳасидаги ислохотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Конференцияни тирин сўзи билан очган Тошкент давлат юридик институти ректори, юридик фанлар доктори, профессор М.Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг давлат ва жамият ҳаётида тугган ўрни ва аҳамияти, ҳусусан, жамиятни демократ-лаштириш ва янгилаш, модернизация ва ислох қилишнинг ҳуқуқий замини сифатидаги асосий жиҳатларига тўхта-либ ўтди. Шунингдек, Япониянинг JICA агентлигини (Япония халқаро ҳамкор-лик агентлиги) Ўзбекистондаги ваколат-хонаси вакили мамлакат олий ўқув юртига ўртасидаги ўзаро алоқанинг ривожига ва келажаги борасида ҳам фикр юртиди.

Анжуманда, Нагоя Университетининг Осиё алоқалари Маркази директори, профессор Сийёра Казутақанинг "Конституционализм ва Японияда конституциявий суд тизими", докторант Ямамото Казушининг "Япония Конституциясининг асосий таркибий қисмлари", ТДЮИ Конституциявий ҳуқуқ кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди Г.Маликованинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — миллий-демократик институт", юридик фанлари номзоди Д.Қамоло-ванинг "Тақдимот: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари" мавзусидаги маъру-залари тингланди.

Меҳрибон АББАСОВА, Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томо-нидан, Яққасарой тумани 1-сон давлат нота-риал идора нотариуси Султонов Фасихиддин Шарофуддиновига 2002 йилда берилган TN 000162 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2 ой муддатга тўхтатилди.

БИР-БИРИНИ ШАМОЛДАЙ қувиб ўтаётган машина-лардан бири даҳшатли чинқириб йўлдан чиқиб кетди. Безатилган машина салонидан қонга белан-ган қизалоқ учиб кетди. У жонсиз қўғирчоққа ўхшарди. Ақасининг никоҳдан ўтиш маросимига чиққан ёш қизанинг вафоти тўғрисидаги хабар бир зумда шаҳарга тарқалди. Тўйда аза... Бахтиёр келинчақнинг олоқ қўйлағига ўчмас доғ тушди. Умрининг бахтли лаҳзалари бахтсизлик саҳифаси билан бошланди. Янги кўёнинг елкасида енгил бўлмас оғир юк, юрагида армон....

Мулоҳаза

Тўй тўйдек бўлсин, аммо...

ЎЗБЕК ТҮЙ ҚИЛАМАН, элнинг дусини оламан, қувончимга бошқаларни шерик қиламан, деган орау-хавас билан ишайди. Аммо кейинги вақтларда тўй-хашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағиш-ланган тадбирларни ўтказиш орау-хавасдан кўра, шурхат-парастлик, ўзини кўз-кўз қилиш каби иллатга айланиб бормоқ-да.

Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-хашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида"ги Фармони тўйлар ва тантаналар-ни ихчамлаштириш, манмаллик ва тўйларни мусобақага айлан-тириш каби ҳуқуқ ҳолатларга чек қўйиш мақсадида қабул қилинганлигини барчамиз яхши биламиз.

Фармоннинг асл моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, миллий қадриятлари-мизга зид иллатларга қарши курашиш мақсадида радио-телевидение, оммавий ахборот воситалари орқали жуда катта тарғибот ишлари амалга оширилётганлиги сабабли жойларда ёшлар никоҳини қайд этиш тадбири тўй тантанаси оқшомида ўтказилишига эри-

шилмоқда. Ёки тўйгача бўлади-ган қатор рўмолча тўйи, қуда танишув, сеп кўрсатиш тадбири, тўққиз тўй, қизлар базми каби тадбирлар бироз ихчамлашти-рилди. Аввалги тонгатар базмларга чек қўйилди. Лўнда қилиб айтганда, ўтган ўн йил давомида халқимиз ортқача орсофгарчиликка йўл қўймаслик ирқали ўз турмушлари фаровон-лигини таъминлашга эришди. Тўйларимизга миллий руҳ ва ўзгача фазз кирди.

Шу билан бирга ўз ечимини кураётган муҳим муаммолар ҳам йўқ эмас. Тўғри, Республика хотин-қизлар кўмитаси томони-дан маъруз Фармон талаблари-дан келиб чиқиб, "Тўй, оилавий тантаналар, маросимларни тартибга солиш ва тақомилла-штириш" юзасидан тасвиялар ишлаб чиқилиб, улар ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарларга амалда қўллаш учун юборилган эди. Аммо айрим жойларда фотиха тўйи, маслаҳат оши, қуда танишув, тўйдан кейинги келин кўрди, келин чарлар, қувё чакриқлар ҳамон алоҳида-алоҳида маросим сифатида ўтказилмоқда. Энг ачинарлиси, келинлар ўз ота-оналари чарла-ганда худди моддалар уйига келгандек, меҳмонлар олдига 8-10 хил қийим кийиб чиқиш орқали ўзларини кўз-кўз қилиш қабали бачкана одатлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Маънавий қашоқ-ликка олиб борувчи йўллар айнан шу ердан, мустақил ҳаётнинг дастлабки кунларидан бошлан-маяптимикан?

Оила кураётган аксарият ёшлар Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХД) бўлим-ларига бориб никоҳ-дан ўтиш ўрнига, ҳаётда бир марта бўладиган бу қутлуғ

маросимни ўртоқлари билан қатор-қатор машиналарда шаҳар айланиш, ресторанларда базм уюштириш ва эсдаликка сураатта тушишдан иборат, деб ўйлашдан нарига ўтмайпдилар.

Ҳаётда шодлик ва қайғу хамиша ёнма-ён юради. Тирик-лик бор жойда худдиқиларга ҳам бот-бот дуч келамиз. Марҳ-умларни сўнгги йўлга кузатиш маросими ҳар бир миллатда ҳар хил. Бизда ҳам бу борада ўзига хос тахриба, гарчи айримлари фатво китобларида ёзилмаган бўлса-да, ўзига хос анъаналар мавжуд. Ҳозирги кунда кўп тарқалган хурофий одатлардан бири шуки, пайшан-балик, яқшанбалик деб худдиой-лар қилиш ва етти, йигирмалик, қирқлик номи билан катта-катта қозонларда ош дамлаб, қўлаб одамларни қақриб, катта маросимлар ўтказишдир.

Марҳумларни сўнгги йўлга кузатишни маросим эмас, балки тантангага айлантириб юбораёт-ган бундай замондошларимиз-нинг хатти-ҳаракатлари элни ранжитмоқда. Ўзбекистон Муслимонлар идораси томони-дан чиқарилган Фатвода ҳам бундай маросимларни қай йўсинда ўтказиш аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб берил-ган. Ушбу Фатво бугунги кунда ҳар бир туман, шаҳарда, ҳар бир маҳаллада мавжуд. Ҳамма гап уни амалда қўллашда.

Дарвоқе, маҳалла қувонч ва ташвишлар оstonаси ва гувоҳи бўлган ягона маскан. Шундай экан, маҳалла оқсоқоли айтган сўз ерда қолмаслиги керак. Чунки ҳар қандай янгилик ҳам, ҳар қандай қадимий урф-одат ҳам маҳаллада тарғиб қилинади, маҳаллада сайқал топиб, жорий қилинади. Бунинг учун маҳалла фаоллари фойдали анъаналарга эргашиб, бу йўл халқни эзгуликка, фаровон ҳаётга элтишига ишонтиришга эри-шишлари лозим. Тўғри, тўйла-римиз тўйдек бўлсин, аммо ҳамма нарса меъёрида бўлсин. Истагимиз: тўйлар фақат бахтта остона бўлсин.

Маруса ҲОСИЛОВА, "Инсон ва қонун" муҳбири



Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузурдаги Малака комиссияси-нинг 2008 йил 20 ноябрдаги қарорига асосан адвокат Аметов Жаҳонгир Аминовичга 2006 йил 28 июнда берилган серияси TN 002599 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия-нинг ҳамда адвокат Усмонова Сайёра Ҳайдаровнага 1997 йил 15 июлда берилган серияси TN 000433 рақамли адвокатлик фаолияти билан шу-ғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси жа-моаси газетанинг Сурхондарё вилояти бўй-ича муҳбири Тожддин Разаоққа волидаси БИБИДОНА онанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Table with 4 columns: Subscription info, Head office, Publisher info, and Index/Contact info.